10598

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 4 март, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 16 (7013)

Da'vat

Тилингни сўзлашга соз, муҳайё қил,
Сўзингни ўқ қилу ақлни ё қил.

ФИРДАВСИЙ

Ibrat

Андижон шаҳридаги 22-урта мактабда (директори Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Ғуломқодир Мамажонов) ота-оналар университети ташкил этилиб, машғулотлар давомида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ота-оналар ўртасида тарғиб қилинмоқда.

Jarayon

АТТЕСТАЦИЯ БОШЛАНДИ

Комиссиянинг холислиги таълим ривожини белгилайди

Одатда бир хайрли тадбир ўтказилса-да, жойларда унинг ижроси турли даражада бўлади. Ана шу ижро натижаси эса туманнинг, вилоятнинг ва табиийки, республиканинг келгуси тараққиётига таъсир қилади. Туманлар орасидаги фарқ фикримизга далилдир.

Маълумингизким, шу йилнинг 23 январида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳузурида «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни амалга ошириш республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтганди. Мажлис баённомасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, таълим тизимини бошқариш органлари раҳбарлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг таълимни ташкил этиш ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни амалга оширишдаги реал ишларини объектив баҳолаган ҳолда аттестациядан ўтказиш тўғрисида фармойиш қабул қилинди.

Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад «раҳбар ходимларнинг таълим ислоҳотини амалга оширишга лаёқатлилигини, касбий, маънавий, ташкилотчилиги каби сифатларини аниқлаш, уларнинг ўз касб малакасини оширишларини рағбатлантириш, ташаббускорликлари ва ижодий фаолликларини ривожлантиришдан иборатдир», дейилади фармойишда.

Барча вилоятларда бу тадбирни юксак талабчанлик, ошкоралик ва раҳбар ходимларнинг фаолиятини холисона баҳолаш тарзида ўтказиш учун тайёргарлик кўрилди.

28 март куни Самарқанд вилоят ҳокимлигида ҳам туманлар аттестация комиссияси раисларининг йиғилишида юқоридаги мақсад ва вазифалар белгилаб олинди. Уни вилоят ҳокимининг ўринбосари Илҳом Рашидов олиб борди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони вакиллари ҳам қатнашиб, тадбирни юқори савияда ўтказиш, турли номуносиб хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Қишлоқ хўжалигида олинган ҳосила қараб деҳқонга, раҳбарга баҳо берилади. Таълимда ҳам шундай мезонлар мавжуд. Дейлик, бир мактаб директорининг иши ўқувчиларининг олимпиадаларга қатнашишида, олий ўқув юртларига кириш учун топширган тестлардан йиққан баллари натижаларида, мактабда ўқувчи ва ўқитувчиларнинг жиноий хатти-ҳаракатларининг йўқлиги ва ҳоказо сифатларда ҳам кўринади. Мактаб директори барча саволларга жавоб бериши, бироқ юқоридаги сифатлар ўша мактабда бўлмаслиги мумкин ёки тескариси. Демак, директор раҳбарлик қилаётган мактаб кўрсаткичлари ҳам таҳлилга тортилиши лозим.

Туман ХТБ мудирлари, университет, институт ректор ва проректорларининг билимлари юқори бўлиши шарт десак, қаттиққўллик қилмаган бўламиз. Негаки, бугунгача уларнинг аксарияти Тошкентда бир ҳафтадан махсус ўқувларда қатнашишди.

Айни кунларда таълимдаги маҳаллий раҳбарлар орасида икки хил тоифа ходимларни учратиш мумкин. Асосий қисм янги қабул қилинган ҳужжатларни яна бир бор ўқиб, тайёргарлик кўрмоқда. Аттестациядан ўта олмаслигига кўзи етган айрим малакасиз раҳбарларнинг ўзга йўллар қидираётгани, у ёқдан-бу ёққа югураётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бундай пайтда комиссия раиси ва аъзоларининг холислиги таълим ислоҳидаги кўп муаммоларни ечиб беради. Қолаверса, комиссиянинг бу холислиги туман таълимининг бундан кейинги ривожида кўринади. Агар ривожланиш бўлмаса, демак...

Бугун аттестациянинг иккинчи куни. Жойлардан унинг натижаларини бериб бориш ниятидамиз. Ўзбекистон таълимининг келажаги учун бугун асқотаётган ХОЛИСЛИК, ҲАҚҚОНИЙЛИК барчага ҳамроҳ бўлсин.

Ҳ. САИДОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

САНИТАРИЯ ҚОНУНЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Давлат санитария назорати тизими фаолиятининг роли ва самарадорлигини ошириш, юқумли касалликлар кўпайишининг олдини олиш, республика аҳоли яшаш жойларининг санитария-эпидемиология ҳолати учун шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, корхоналар, муассасалар, ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари ва фуқароларнинг ҳуқуқий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида:

1. Белгиланснки, туманлар ва шаҳарлардаги аҳоли яшаш жойларининг санитария-эпидемиология вазияти учун коммунал ва санитария хизматлари раҳбарлари билан биргаликда ҳокимлар шахсан жавоб берадилар.

2. Санитария назорати органларининг «Давлат санитария назорати тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳудудларнинг санитария муҳофазаси ва касалликларнинг олдини олишга доир амалга ошириладиган фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадида ушбу органларга ҳар қандай таъсир кўрсатиш қатъий тақиқлансин.

3. Санитария қонунчилиги бузилганлиги учун шаҳарлар, туманлар ҳокимлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари ва фуқароларнинг маъмурий жавобгарлиги кучайтирилсин. Белгиланснки:

санитария қонунлари, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бузилганлиги юқорида айтиб ўтилган мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ун бараваригача, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солинишига олиб келади;

карантин қилинган касалликлар ёки инсон учун хавфли бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларнинг бузилиши мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг ун бараваридан ун беш бараваригача, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солинишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги жазо жарималаридан тушувчи маблағлардан фойдаланиш тартибини бир ҳафта муддатда тасдиқласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси жарималар қонун ҳужжатлари билан белгиланган муддатларда туланмаган ҳолларда Давлат санитария назорати органларининг қарорлари бажарилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

санитария қонунчилиги ва эпидемияга қарши кураш қоидалари бузилганлиги учун жиноий жавобгарлик белгилаш;

қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқувчи қўшимчалар ва ўзгартиришлар тўғрисида таклифлар киритсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазири аҳоли яшаш жойларининг санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш, юқумли касалликлар билан касалланишнинг олдини олиш, санитария қонунлари талаблари бажарилиши учун маҳаллий ҳокимият органлари, коммунал хизмат ва санитария назорати органларининг жавобгарлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

7. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги республика санитария-эпидемиология хизматининг фаолияти тўғрисида махсус телекўрсатувлар ва рукнлар жорий этсин.

8. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, эпидемияга қарши кураш республика фавқулодда комиссияси раиси И. Журабеков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 2 март.

Donish chirog'i

ИНСОН БАХТ УЧУН ТУҒИЛАДИ

Азалий бир ақида бор: китобни фарзандга қиёслашади. Инсонни, нонни, ерни, сувни, қуёшни ва ниҳоят китобни азизлашади одамлар. Оламий фонийга одам фарзанди келибдики, унинг «устози» — китобдир. Зеро, инсон бахт учун туғилади! Бу ибратли иборани кўплаб олиму фузалолар айтган бўлиши мумкин. Аммо мустақил Ўзбекистоннинг ўзлигини эълон қилган ва юрт бошига тушиши керак бўлган «фавқулодда ҳолатлар»дан теран ақл ва донолик билан халқни олиб чиққан, республикада президентлик бошқарувини жорий этган, ҳуқуқий-демократик давлат қуришга белни маҳкам боғлаб киришган мамлакатимиз раҳбари «Ўзбек модели»ни жаҳонга танитди ва кўз-кўз қила олди.

Узбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўз нуқтаи назарларини, мамлакатда олиб бораётган ис-

(Давоми 2-бетда)

• Тбилиси шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Грузия ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди, унда томонлар мамлакатларимиз ўртасида молия-саноат гуруҳлари, қўшма корхоналар, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш субъектлари ўртасидаги бевосита алоқалар янги асосда тобора ривожланаётганидан мамнуният изҳор этди.

• Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 3 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади, унга кўра 1 АҚШ доллари 82 сўм 86 тийинга тўғри келди.

• Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурот Ниёзовнинг апрель ойининг иккинчи ярмида Америка Қўшма Штатларига ташрифи ва АҚШ Президенти билан учрашуви кутилмоқда.

JUMLADA JAHON

• Грузиянинг Россиядаги элчиси Важа Лордкипанидзенинг баёнот беришича, президент Шеварднадзега суиқасд уюштирган кучларнинг раҳбарлари Москвададир, Грузияда ҳозир Шеварднадзега суиқасд уюштиришга қурби етадиган сиёсий куч мавжуд эмас.

• Қалин қор ёғишидан зарар кўрган афғон халқига ёрдам сифатида Тожикистондаги чегара қўшинлари иккита вертолётда кўрпа, тўшак, сув тозалагичлардан иборат 25 тонна юк жўнатганлар.

• Буюк Британия пойтахти Лондонда бўлиб ўтаётган кўп минг кишилик намойиш иштирокчилари ҳукуматдан мамлакат қишлоқларидаги аҳволни яхшилаш талабини қондиришни сўрамоқдалар.

• Бирмада қўпорувчилик ҳаракати билан шуғулланувчи 40 нафар киши қўлга олинди — уларнинг асосий қисми ҳукуматга мухолиф кучлар билан алоқада бўлган талабалар эканлиги хусусида маълумотлар бор.

Яқинда Қибрай туманидаги 21-мактабда маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда туман мактабларининг ташкилотчилари, Қибрай тумани ХТБ ходимлари қатнашдилар.

Анжуман қатнашчилари эътиборига она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Зилола Зиёева раҳбарлигидаги «Ёш ижодкор» тўгараги қатнашчиларининг «Дилларга ҳам баҳордек кўклам руҳи кирсайди» номли бадиий-мусиқий чиқишлари намойиш этилди. Мазкур тадбирда ўқувчилар Чўлпоннинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот беришиб, шеърларидан ифодали ёд айтишди. «Кеча ва кундуз» асари ва «Ёрқиной» драмасидан парчалар кўрсатишди. Айниқса, ўқувчилардан Камола Қорабоева, Дилафрўз Йўлдошева ва Руслан Иноҳовлар Ёрқиной, Қурбонбиби

АНЖУМАН ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

ҳамда Раззоқ сўфи ролларини зўр маҳорат билан ижро этишди.

Ёш ўқитувчилар томонидан тайёрланган «Келин салом», «Она алласи» йиғилганлар қалбида чексиз қувонч уйғотди. Шунингдек, ўқитувчилар «Афандининг беш хотини» асаридан парча кўрсатишди. Афанди ролини жисмоний тарбия ўқитувчиси Аҳмад Ёқубов, «Она алласи»ни Нилуфар Ҳидирова жуда ажойиб ижро этдилар.

Анжуман қатнашчилари «Қушлар бизнинг дўстимиз», «Нон пашшаси», «Улуғлардан ўрганмоқ ақллиликдир», «Асрлар садоси», «Навоий бобомиз — сўз мулкининг султони», «Она тилим — жону дилим», «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Мустаҳкам оила — маҳалла кўрки» номли тарбиявий соатларда ҳам иштирок этишди.

Туман ХТБ ходимлари — Шоира Сатторова ва Ваҳоб Усмоновлар мактабда рангбаранг ва жонли ўтган ушбу анжуман маданий ва маърифий тадбирларга бой бўлганини ҳамда бунда мактаб жамоасининг фаоллигини алоҳида таъкидлашди.

С. ҚУРБОНОВА

Munosabat

КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ФИКРЛАШИШГА ЧОРЛАЙДИ

Бугунги кунда республикамизда таълимнинг, шу жумладан касб-ҳунар таълимининг устуворлигига алоҳида эътибор берилаётир ва уни жаҳон стандартлари талабига яқинлаштириш бўйича бир қанча самаралий тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Баркамол авлод — мустақил Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзуидаги нутқи ва бу сессияда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг, куни кеча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганлиги фикримизнинг далилидир.

Бу муҳим ҳужжатлар республикамизда ёшларга касб-ҳунар ўргатишнинг мавжуд тизимини атрофлича таҳлил қилиб, уни ҳам ташкилий, ҳам мазмун жиҳатдан такомиллаштиришни тақозо қилаётганлиги табиийдир.

Бизнинг фикримизча, энг аввало, муҳандис-педагоглар тайёрлаш бўйича олий ўқув юртларига қабул қилишнинг мавжуд тартибини такомиллаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бунда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг истиқболий талаб режаси асосида қабулни ташкил этиш, кундузги таълим шаклига кирувчиларнинг «инсон-инсон» социометрик гуруҳида ишлашга мойилликларини диагностика қилингандан сўнггина ҳужжатларини қабул қилиш, шунингдек, ўрта-махсус маълумотга ва камида икки йиллик педагогик иш фаолиятига эга бўлган ҳунар мактаби ходимларини сиртқи таълимга қабул қилиш ва бунга алоҳида ёндошишни назарда тутмоқдамиз.

Иккинчидан, касб-ҳунар таълими муаммолари бўйича изланиш олиб бораётган илмий ходимлар, йирик олимлар билан ҳунар мактабларидаги амалиётчи педагогларни бир-бирларига «яқинлаштириш» касб таълими жараёнини такомиллаштириб, ҳозирги ҳолатидан тезроқ олиб чиқишнинг муҳим омилларидан бири бўлади, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳам касб таълими жараёнида фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини жадаллаштириш мақсадида ОУМТ вазирлигининг «Касб-ҳунар таълими» журналини таъсис қилиш ниҳоятда зарур деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳозирча биз ҳаммамиз ўқитишнинг анъанавий шакли ва ташкилий кўринишлари асиримиз. Бу тутқунликдан тезроқ чиқиб кетиш учун нафақат республикамиздаги илғор тажрибалар ва илмий-методик тадқиқотларни ўрганишимиз, балки хорижий мамлакатларда юзага келган янгиликлар билан ҳам танишиб боришимиз даркор.

«Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни амалга ошириш жараёнидаги энг катта вазифа касб-ҳунар коллежларини белгиланган мақсад асосида ташкил қилиб боришдир. «СПТУ» деб номланган ва кўп ҳолларда халқнинг ишончини оқлай олмаётган ҳунар мактаблари шаклини ўзгартириб, мазмунини эса аввалгича қолдирилса таълим тизимининг бу босқичида катта фожиа бўлар эди. Бундай нохушликларнинг олдини олиш йўлларидан бири матбуот орқали фикрлашиб туришдир.

Учинчидан, республика миқёсида касб-ҳунар коллеж-

(Давоми 2-бетда)

Sport

Америка Қўшма Штатларининг Бурклине шаҳрида 64 катакли шашка бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Бу мусобақага Германия, Белорусия, Россия, АҚШ, Узбекистон шашкачилари таниф буюрдилар.

Қатнашчилар орасида таниқли шашкачи, гроссмейстер Владимир Коплан, Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси қошидаги шахмат-шашка спорт мактаби директори Маркиэл Фозилов, шунингдек Михаил Кая, Александр Кая, спорт усталари Евгений Скляров, Эдуард Цукерник, Игорь Мартель ҳамда Нью-Жер-

ДИРЕКТОРНИНГ АҚШДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

си штати шашкачилари иштирок этдилар.

Олти кун давомида қисқартирилган тез шашка бўйича бир нечта мусобақалар бўлиб ўтди. Шулардан икки мусобақада халқаро гроссмейстер, 1997 йилги жаҳон чемпионатининг кумуш медаль совриндори, Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси қошидаги болалар ва ўсмирлар шахмат-шашка мактаби директори Маркиэл Фозилов биринчи ўринни эгаллади.

Ғолиб ва совриндорларга мусобақа ҳомийлари томонидан пул мукофотлари берилди.

М. Фозилов жаҳон биринчилиги мусобақасида қатнашиш учун Узбекистон терма жамоаси таркибида тайёргарлик кўрмоқда.

М. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

НАВРЎЗ БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ! 2-бет

ВИТАМИН — ҲАЁТБАХШ НЕЪМАТ 4-бет

МИМИМ

ХАБАРЛАРИ

ЙЎЛИНИ ТОПИШДИ

Мактабнинг фақат бюджетдан келадиган маблағларга қараб турмасдан, ўзи ҳам сармоя топиш чораларини излаши давр талаби. Бу борада Қўрғонтепа туманидаги 2-ўрта мактабда дастлабки қадамлар қўйилди. Агар мактаб ўтган йили 200 минг сўм маблағ топган бўлса, бу йилги режа-300 минг сўмдан ошириш.

Яқинда мактабда хизмат кўрсатувчи «Устоз» фирмаси ташкил этилди. Фирма асосан мактаб мебелларини таъмирлаш ва янгидан тайёрлаш, ўқувчилар формасини тикиш, таълим муассасалари электр тизимини таъмирлаш билан шуғулланяпти.

А. МАҚСУДОВ

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

Боғдод туманида 30 номдаги фанлардан ўтказилган шўъба йиғилишларида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» тарғиботига кенг ўрин ажратилди.

Йиғилишда рейтинг тизимини жорий қилиш масалалари муҳокама этилди. Узаро фикр алмашинди, муаллимлар янги методик ҳужжатлар, тавсияномалар билан қуроллантирилди.

А. ҲАЙДАРОВ

HAMMA SHU QARORGA KELDI

O'rta Chirchiq tumanidagi 13-maktabning 6-«A» sinfining «Do'stlik» va 6-«B» sinfining «Humo» jamoalari o'rtasida matematika fanidan «Quvnoqlar va zukkolar» musobaqasi bo'lib o'tdi. Ularning topqirlikda ham, bilimdonlikda ham bir-biridan aslo qolishmas ekanligini o'quvchilar ham, o'qituvchilar ham, ota-onalar ham shu kuni etirof etishdi. Bellashuv durang bilan yakunlandi.

Dilshod ABDULLAEV

МАКТАБ МУЗЕЙЛАРИ

Тахтакўпир тумани халқ таълими бўлими қатор тадбирларни амалга оширяптики, буни эътироф этиш жоиз. Жумладан 3, 5, 6- мактабларда музейлар ташкил қилинди.

Зеро, ёш авлод тарбиясига хизмат қиладиган ҳар қандай имкониятлардан фойдаланиш ҳам ҳақиқий маърифатпарварлар иши.

Ғ. ЁҚУБОВ

ХАБАРЛАРИ

ИНСОН БАХТ УЧУН ТУҒИЛАДИ

(Боши 1-бетда)

лоҳотларни босқичма-босқич олиб бориш зарурлигини исботлаш орқали — «ўзбек модели»ни яратди. Бугун «Ўзбек модели»ни жаҳон мамлакатлари ва халқлари эътироф этиб турибди.

Сўзни шу ўринда яна китобларга бурамиз. Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Бунёдкорлик йўлидан», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби», «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» номли асарлари, бошқа барча китоб ва рисолаларида ҳозирги даврнинг муҳим ва долзарб муаммолари, ўзига хос ва мос хусусиятлари, истиқбол режалари нималардан иборатлиги илмий-фалсафий талқинда мушоҳада этилгандир.

Тилга олинган Президент асарларининг ҳар бир ҳикматли сўзи ва амалий-назарий қоидаси халқпарварлик, байналминаллик, ватанпарварлик, одамийлик ғоялари билан мужассамланган. Муаллиф асарларидаги ҳикматли ўгитлар, доно фикрлар шунчаки тартиб-қоида эмас, балки мазмун ва маъносига қараб ўз оҳорини йўқотмайдиган, ҳар куни, ҳар қадамда асқотадиган маслаҳатгўй вазифасини ўтайди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан нашрга тайёрлаган Президент асарларидаги ҳикматли ўгитлар тўплами — «Инсон бахт учун туғилади» китоби «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни томонидан 10000 нусхада чоп этилди. Унда: «Бозор иқтисодиёти ва маънавият», «Савоб ва эзгуликнинг боқийлиги ҳақида», «Оила — жамиятнинг негизи», «Миллий ғурур, миллий ифтихор хусусида», «Юрт тинчлиги ва осойишталиги — бебаҳо бойлик», «Мустақиллик — муқаддас неъмат, улкан масъулият» каби бўлимлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг ҳикматли сўзлари битилган «Инсон бахт учун туғилади» китоби асосан ўқувчи ва талабаларга, журналист ва адибларга, фан ва ишлаб чиқариш ходимларига, давлат арбобларига, хуллас кенг китобхонлар оммаси учун доимий дастур вазифасини ўташига аминмиз.

Қуйида ушбу тўпламдан ўрин олган айрим ибратли фикрлардан намуналар келтирамиз.

Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ

Элни Ватан манфаати бирлаштиради.

* * *

Мустақиллик — улкан масъулият.

* * *

Ўзбекчилик — миллатчилик деган эмас.

* * *

Халқнинг сабр-тоқати чексиз эмас. У денгизга ўхшайди: гоҳ тўлиб, гоҳ озайиб туради.

* * *

Миллатимиз чуқур илдизга эга. Бу бизнинг бойлигимиз.

* * *

Ҳар бир инсон ўзича такрорланмасдир.

* * *

Умум эътироф этган қоидага кўра, ҳар бир шахс фақат бир давлатнинг фуқароси бўла олади.

* * *

Давлат жамиятнинг кескин табақаланишига — ошиб-тошиб кетган бойлару, камбағал-қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслиги керак.

* * *

Меҳр ва қадр бор ерда ҳамма нарса бор, қадр кетса, ҳамма нарса қўлдан кетади.

* * *

Қонунга бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантирмас эканмиз, жиноятчиликнинг олдини олиш муаммо бўлиб қолаверади.

* * *

Одамларнинг эскича психологиясини ўзгартириб, уларда янги ҳуқуқий онгни шакллантирмоғимиз лозим.

* * *

Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир.

КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ФИКРЛАШИШГА ЧОРЛАЙДИ

(Боши 1-бетда)

ларида ўқув жараёнини ташкил қилиш, ўқув-дастурий ҳужжатлар мажмуини тузиш бўйича аниқ режа ишлаб чиқилиши, бунга вилоятлардаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва ҳунар мактабларининг тажрибали ўқитувчилари ҳам жалб этилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ўқув дастурларини тузишга таркибий-функционал ёндошиш ва блок-модулли ўқитишга асосланиш даркор. Чунки фақат шундагина камида 2-3 та касб ўргатиш учун яроқли бўлган ўқув-дастурий ҳужжатларни, интегратив курсларни яратиш мумкин бўлади.

Шунингдек, ўқув жараёнини илғор педагогик технология қоидалари асосида, касбга ўргатиш жараёнини эса ўқитишнинг бинар усулидан фойдаланган ҳолда олиб бориш битирувчиларни юқори касб малакасига эга бўлишларида муҳимлиги назарда тутилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда ва ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаларини ҳисобга олиб, тубдан янги ўқув адабиётларини яратиш шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан биридир.

Тўртинчидан, касб-ҳунар коллежлари ташкил этилиши муносабати билан мавжуд ҳунар мактабларидаги таълим мазмуни, шакли, ўқитиш методларини такомиллаштириш, яхлит касб таълими жараёнини узлуксиз таълим ва миллийлик нуқтаи назаридан кўриб чиқиш, уни жаҳон стандартлари билан уйғунлаштириш зарурлиги тушунарли. Лекин бунинг учун нафақат назариётчи олимлар, балки бу жараённи бевосита иштирокчилари — амалиётчиларнинг ҳам малакасини жадал суратларда ошириш даркор. Бу борада касб-ҳунар коллежлари учун малакали педагог ва муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш бўйича базавий олий таълим муассасалари белгиланганлиги айни муддао бўлди. Шунингдек, ташкил қилинаётган Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти жамоасининг салмоқли ишларини инкор этмаган ҳолда касб таълими бўйича мутахассислар тайёрлаётган олий ўқув юртлари кафедралари қошида ҳам ҳудудий малака ошириш курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Бу ҳунар мактаблари ходимларининг вилоятдаги мутахассис олимлар билан ўқув дастурлари, қўлланмалар ва дидактик материаллар тайёрлашдаги ҳамкорликларини кучайтирибгина қолмай, бозор иқтисоди шароитида уларга қулайлик ҳам яратган бўларди.

Янги таълим тизимининг касб-ҳунар таълими тури бошқа турларига қараганда бир мунча мураккаб ва унинг мақсад ва вазифалари тубдан янгича ёндошишни талаб қилади. Бу соҳада ишлаётган ҳозирги ўқитувчиларнинг кўпчилиги ўқитиш методикасида изчил ўзгариш қилиб юборишлари мумкин эмаслиги барчамизга аён.

Шунинг учун «Устоз» республика жамғармаси биринчи навбатда ушбу муаммога эътиборни қаратиши керак. Хорижий ўқув юртларида қайта тайёрлашдан ўтиб келган малакали профессор-ўқитувчилардан асосан, мамлакатимиздаги малака ошириш ўқув масканларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бундан ташқари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошида чет эл тажрибаларини таҳлил қилувчи жамоатчилик қўмитаси ташкил қилиш даркор.

Республикамиз олий ўқув юртлари қаторида Наманган муҳандислик-педагогика институти жамоаси касб таълими йўналиши бўйича ҳам кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор берган ҳолда бу жараёнга системали ёндашув асосида бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Институт олимлари ва мутахассислари вилоятдаги ҳунар мактабларининг тажрибали ўқитувчилари билан ҳамкорликда ҳар бири 2-3 та қурилишга оид касбларни ўргатишга мўлжалланган ўқув режалари ишлаб чиқдилар. Улар Республика халқ таълими касблар тўпламига киритилган бўлиб, 1993 йилдан бошлаб амалда қўлланиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда бу ўқув режаларини такомиллаштириб, касб-ҳунар коллежлари учун ўқув-дастурий ҳужжатлар яратиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Касб таълими йўналиши ўқув режасига 40 соат ҳажмида «Илғор педагогик технология» фани киритилиб, талабаларга АҚШда яратилган ва бир неча ривожланган мамлакатларда муваффақиятли қўлланилаётган ўқитиш технологияси бўйича билим берилмоқда ва уларни касб-ҳунар коллежларида ўқитишни янгича усулда олиб боришга тайёрланмоқда. Талабалар вилоятдаги қатор касб-ҳунар мактабларида педагогик амалиёт ўтиб, ўзларининг муаллимлик маҳоратларини оширмоқдалар. Бу йўналиш бўйича кадрлар тайёрлаш Наманган вилояти халқ таълими бошқармасининг 2005 йилгача тақдим этган талабномаси асосида амалга оширилмоқда.

Институтимиз жамоаси Республикамизда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги янги Қонун асосида касб-ҳунар коллежларини малакали мутахассислар билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирларини кўрмоқда.

Биз имконият чегарасида республикамизда ташкил этилаётган касб-ҳунар коллежлари фаолиятига оид ва касб таълимини яхлит тизим сифатида ислоҳ қилиш бўйича айрим фикрларимизни баён эта олдик. Ўйлаймизки, касб таълими ходимлари ўз фикр-мулоҳазалари билан бу мунозара доирасини янада кенгайтирадилар.

Ғ. ДАДАМИРЗАЕВ,
Наманган муҳандислик-педагогика институтининг проректори,
Қ. ЭШМАТОВ,
шу институт ўқув бўлими бошлиғи, халқ маорифи аълочиси

Hay'at yig'ilishida

МАЗМУН ВА ШАКЛ УЙҒУНЛИГИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча соҳаларда шунга монанд янгиланишлар, ислоҳотлар ўзгача бир йўналишда бошлаб юборилган эди. Айниқса, таълим-тарбия соҳасидаги бу борадаги ишларнинг нақадар муҳимлиги инобатга олиниб, аввало, уни мазмунан қайтадан шакллантириш биринчи галдаги вазифа этиб белгиланган эди. Ўтган қисқа давр мобайнида асосан ижтимоий фанларга тааллуқли бир талай дарсликлар, дастурлар, ўқув режалари ва қўлланмалари янгиланди. Аниқ фанларга оид дарслик ва дастурлар ҳам қисман ўзгартирилди. Бироқ тобора ўзига хослик касб этаётган таълим тизимимизда ислоҳотлар асосий босқичда давом қилаётган айни дамда бу каби ишлар ҳали етарли даражада ҳал этилмаганлиги, бу борада қилинажак ишлар мундарижаси сермазмун эканлиги аён бўлиб қолди. Айниқса, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» қабул қилингач, ушбу вазифалар юзага қалқди.

Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши кун тартибининг асосий масаласи ҳам шундан иборат бўлди. Мазкур икки ҳужжат асосида умумтаълим мактаблари учун яратиладиган таянч ўқув режалари, дастурлар ва дарсликларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги масала юзасидан УзПФИТИ директори биринчи муовини Д.Шодиев ҳамда РТМ директори Ғ.Шоумаровлар ҳисобот беришди. Маърузачилар мазкур масала юзасидан муайян ишлар қилинганлигини қайд этиш баробарида муаллифлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда ёзилажак дарсликлар, таянч ўқув режалари ва дастурларини замонавийлаштириш борасида бир талай меъёрий ҳужжатлар тайёрланганлигини айтиб ўтишди. Қизғин муҳокамалардан сўнг ҳайъат аҳли биринчи масала юзасидан қарор қабул қилди. Унда жумладан УзПФИТИ ва РТМнинг «Ўқув-услубий адабиётлар мажмуи ва бошқа ўқув воситаларига қўйиладиган талаблар», «Яратилган дарсликларни, ўқув-услубий адабиётлар мажмуи ва ўқув воситаларини баҳолаш мезонлари», «Ўқув дастур, дарслик ва ўқув қўлланмаларини қатъий буюртмалар, шартномалар ва танлов асосида тайёрлаш, муҳокамадан ўтказиш ва нашр этиш тартиби» ҳақидаги маълумотномалари Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Давлат матбуот қўмитаси қўшма буйруғи билан тасдиқланганини инобатга олинди. Шунингдек, «Ўқув режаларига қўйиладиган талаблар», «Ўқув дастурига қўйиладиган талаблар» тасдиқланди.

Мазкур масала юзасидан тегишли ташкилотлар раҳбарлари зиммасига тажриба майдонлари ташкил этиш, семинар-кенгашлар ўтказиш, янги талабларни кенг жамоатчиликка етказиш ва улар асосида дарслик, дастур ва режалар ишлаб чиқишни ташкил этиш билан боғлиқ бир қатор вазифалар юкланди.

Таълим самарадорлигига, унинг бир маромда кетишига таълим муассасаларидаги шарт-шароит албатта таъсир этади. Бу борада ҳам ҳукуматимизнинг бир талай қарорлари қабул қилиниб, жойларда мактаблар, болалар боғчалари қурилиши анча жонланиб кетди. Халқ таълими вазирлиги ушбу қарорлар ижросини доимий назоратда ушлаб, уларни замонавий жиҳозлар билан таъминланишига бош-қош бўлди. Ўтган йилда республикамизда барча маблағлар эвазига қурилиши лозим бўлган 172 та мактаб ва улар учун қўшимча бинолар қурилиши 192 тага яъни, 104 фоизга бажарилди. Айниқса, бу иш Бухоро, Хоразм, Фарғона вилоятларида ошиғи билан бажарилди.

Таълим-тарбия муассасаларини таъмирлаш ва кузги-қишки мавсумга тайёрлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Бироқ, юқорида санаб ўтилган яхши кўрсаткичлар барча вилоятларга ҳам бирдек тегишли эмас. Энг ачинарлиси, қурилиш учун етарли миқдорда маблағ ажратилган ҳолда уларни ўзлаштирмаслик оқибатида мазкур объектлар қурилиши тугалланмай қолган. Бу каби нуқсонлар ўқув муассасаларини жиҳозлаш ва кузги-қишки мавсумга тайёрлашда ҳам кузатилди.

«Таълим муассасаларининг капитал қурилиши ва таъмирланиши бўйича 1997 йилда амалга оширилган ишлар якуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» талаблари асосида 1998 йилдаги вазифалар тўғрисида», деб номланган ҳайъат мажлисининг иккинчи масаласи муҳокамасидан сўнг мавжуд камчиликларни тезда бартараф этишга хизмат қиладиган бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Шу куннинг талабига мос бинога, ўқув-моддий базасига эга замонавий илм масканлари қуришни жадаллаштириш олдиндаги асосий вазифа сифатида белгиланди. Бу масала юзасидан халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов маъруза қилди.

Ҳайъатда бевосита таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ яна бир қанча масалалар муҳокама қилинди. Мажлисни ҳайъат раиси, халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев олиб борди.

МУХБИРИМИЗ

ТАБАССУМ УЛАШАЯПТИ

«Табассум» ансамблининг ташкил этилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, даста ўз чиқишларида ижтимоий ҳаётдаги нуқсон ва камчиликларни фош этувчи интермедия, аскиялар билан Наманган туманида анчагина мухлисга эга бўлди, айниқса ёшлар орасида.

Уларнинг тумандаги 9, 15,16-ўрта мактаблар, Бешқапа болалар сиҳатгоҳидаги чиқишлари катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Б. ҚЎШМОНОВ

ЎҚУВЧИ-ЗАРГАРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Мазкур ўқув йили аввалида Тайлоқ бизнес мактаби ўқувчи ва усталари туманда ўтказилган «Ташаббус-97» кўрик-танловида зардўзлик бўйича биринчи ўринни эгаллаб, туман ҳокимининг қимматбаҳо совғаларини олишга мушарраф бўлишган эди. Бугунги кунда туман ғолиблари вилоят миқёсида ўтказилиши кўзда тутилаётган «Ташаббус-98» кўрик-танловига қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Улар яратаётган оригинал амалий ишлардаги нафис заррин нақшлар киши кўзини қувонтиради. Қўли гул зардўзлар бу йил ҳам ўзлари яратган зар дўппи, бухороча чопон, халат, куёв салла ўрамалари, зар ковуш, бешик зарғилофи (говрапўш) билан вилоят танловида қатнашиб, совринли ўринларни олишга ҳаракат қилмоқда.

Мухбиримиз

НАВРЎЗ БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ

МЕТОДИК ТАВСИЯ

Умумхалқ байрами — Наврўз яқин. Табиийки, уни нишонлашга дилларимиз интиқ. Инжиқ қиш билан хайрлашиш арафасидамиз. Шундай кезда, барча таълим муассасаларида баҳор шодиёнасини ташкилий жиҳатдан пухта, эсда қоларли қилиб ўтказиш режалари ишлаб чиқилади.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган методик тавсиялар зора, бу борада сизларга қўл келса, ажабмас.

Ҳар қандай байрамни уюштириш учун ташкилий қўмита тузиш амалий ишнинг дебочаси ҳисобланади. Ўз навбатида бу ташкилий қўмита тадбир ва режалар ишлаб чиқади.

Наврўз Яқин Шарқ ва Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги байрамларидан. У кишиларни ҳаётдан, табиат гўзалликларидан баҳра олишга ундайди. Қалдирғочлару гул чечаклар ташриф буюрадиган баҳор байрамининг нафосати, гўзаллигини ўша куни яна ҳам теранроқ англайсиз. Наврўзнинг ана шу руҳи у қаерда ва қай вазиятда нишонланишидан қатъи назар, сезилиб туриши керак.

Мактабгача тарбия муассасаларида, айниқса, уйғониш фаслининг қадр-қиммати ҳақида илк тушунчаларни беришда бир талай мавзуларни эътиборга олиш лозим. «Боболаримиз Наврўз ҳақида», «Наврўз ва Ватан туйғуси», «Наврўз — гул байрами» каби мавзулар ҳали мактабга чиқмаган ўғил-қизларимиз онгига тез сингади. Уларни уйғонаётган табиат қўйнига олиб чиқиш ҳар қандай тантанали кечадан аълодир. Чунки улар жонли табит гўзалликларига ғоятда интилувчан бўлишади. Бошланғич синф ўқувчилари жалб этиладиган Наврўз тантаналари ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Улар билан ўтказиладиган тадбирларда Наврўзнинг илк маротаба қачон ва қаерда нишонлангани, унинг форсийчада «Наврўз», яъни янги кун деб аталишида қандай ҳикмат яширинганига алоҳида тўхтаб ўтиш лозим. Наврўз кунлари ота-онани, кексаларни улуғлаш ва улар хизматида бўлиш, беморларнинг ҳолидан хабар олиш, кўнгилларини кўтариш ҳақида ҳам болаларга дастлабки тушунчалар сингдирилса, фойдадан холи бўлмас эди.

Таянч мактабларда Наврўз шодиёналарини ўтказишга алоҳида аҳамият бериш лозим. Чунки анча-мунча нарсанинг фаҳмига етиб қолган ўғил-қизлар, ўспиринлар байрам кечаларида ўз қулоқларига сингдирилган ақида, урф-одат ва расм-русумларни тез қабул қилиб оладилар. Наврўз кунлари кўча ва хиёбонларни обод этиш, дарахт ва гуллар ўтказиш мақсадида маҳаллаларда, туман марказлари ва қишлоқларда халқ ҳашарлари ўтказилади. Бу ишга мактаб ўқувчиларини ҳам байрам тантаналари кезиб юрадиган кунларда жалб этишнинг тарбиявий аҳамиятини англаш керак.

Миллий дастур талабларига мувофиқ вужудга келаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, айниқса, беҳад кўтаринки руҳда Наврўз шодиёналарини ўтказиш ташкилий қўмитадан алоҳида маҳорат ва изланувчанлик талаб қилади. Бу тадбирларда алломаларимизнинг Наврўз ҳақидаги фикрларини ёдга олиш лозим. Буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруннийнинг Наврўз ҳақидаги қарашларидан унумли фойдаланиш керак.

Наврўзнинг меҳнат байрами эканлиги ҳам сир эмас. Халқимиз «Ҳамал кирди — амал кирди» деб нақл қилади. Бу деҳқоннинг ерга барака уруғини сепишини билдиради. Шунингдек, саховат, меҳр-шафқат, тинчлик, хайру барака, санъат, пазандалик, спорт байрами сифатида ҳам Наврўзга таъриф-тавсиф беришади. Зеро, байрам иштирокчилари эзгуликка боғлиқ бу қадриятларни англаб етишлари лозим.

Таълим муассасаларида турли хил танловлар уюштириш ҳам байрам қадрини оширишi, шубҳасиз. Ёш ҳунармандлар, раққослар, пазандалар, созандалар, ижодкорлар бу танловда ўз маҳоратларини намоён этадилар. «Биз Наврўзни куйлаймиз!» мавзусидаги ёш қаламкашлар мушоирасида шубҳасиз кўпчилик бажонидил иштирок этади. Аскиябозлик, лапар айтиш ва ҳазил-мутойиба кечалари барча-барчага завқ улашади. Бундай тадбирларни уюштиришда иложи борича таниқли қизиқчиларни таклиф этиш лозим.

«Наврўзда акс этар Ватаним маним» мавзусида иншолар танловини ўтказиш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Бу борада танлов қатнашчиларига истиқлол Наврўзи ҳақида озгина йўналиш берилса, ўйлаймизки, уларнинг кичик-кичик ижод намуналари сермаъно чиқади.

Наврўз келди дегунча, дошқозонларда сумалак қайнайди. Бу хушхўр таом иликузди даврида инсон танасига чексиз қуват олиб киради. Пазандалар танловини ўтказганда, нафақат сумалак, балки ҳалим, кўксомса, чучвара ва бошқа таомларни, пишириқларни тортиқ этиш ва баҳо бериш лозим бўлади.

Таълим маркази маънавият ва қўшимча таълим бўлими ходимлари томонидан ишлаб чиқилган мукаммал тавсияномаларда Тошкент шаҳридаги 254-мактаб ўқитувчиси Мунира Толибова, Наманган вилояти Чуст шаҳридаги 2-ўрта мактаб ўитувчиси Ҳомиджон Мамажоновнинг, Бухоро вилояти Ғиждувон шаҳридаги 2-мактаб мусиқа ўқитувчиси Ражаб Авезовнинг мазкур байрамни нишонлаш юзасидан сценарийлари ўрин олди. Бу мураббийлар томонидан ишлаб чиқилган намуналар анча бой материалларни ўз ичига олади. Айниқса, Ражаб Авезовнинг ишланмасида меҳр-оқибат мавзусига урғу қаратилгани барчани лол қолдиради.

Чустлик муаллим Ҳ. Мамажоновнинг «Омад ёр бўлсин!» мавзусидаги ўткир зеҳнлилар мушоирасида ҳам ўқувчилар бой таассуротга эга бўлишади, деб ўйлаймиз.

Биз бу байрам сценарийларини бирма-бир матни бўйича эълон қилиш имкониятига эга эмасмиз. Ҳар бир таълим муассасисида бир-бирига ўхшамаган ва мутлақо тасодифий воқеа-ҳодисаларни ўз ичига жамлаган бундай сценарийлар ишлаб чиқилиши керак. Ана шундагина Наврўзнинг умрбоқий қадриятларимизни улуғловчи байрам эканлигини ва у абадул-абад яшашини ёш авлод онгига сингдиришга муваффақ бўламиз.

РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ «МАЪНАВИЯТ ВА ҚЎШИМЧА ТАЪЛИМ» БЎЛИМИ

Tahlil

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ НАТИЖАСИ

Қилинган меҳнат пировард натижада ўз мевасини берганидек, талабанинг олган билим даражаси ҳам синовда, чўмич қозондан кўтарилганда билинади. Мамлакатимиз олий ўқув юртларида қишки якуний назоратлар тугаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Биз республикамиздаги катта дорилфунул — Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетида бўлиб, қишки якуний назорат натижалари билан қизиқдик.

Бугунги кунда мазкур олийгоҳда 3412 нафар талаба таҳсил олмоқда. Ана шунча талабадан 2168 нафари ярим йиллик якуний назоратдан муваффақиятли ўтишган. Қолган 1178 нафари эса фанларни ўзлаштиролмаганини сабабли иккинчи муддатга қолдирилган. Буни университет ўқув бўлим бошлиғи Умурзоқ Мирзаев қуйидагича изоҳлайди.

— Рейтинг низомига асосан университетимизда фанларни ўзлаштиролмаган талабаларга 9-28 февралларда иккинчи топшириш муддати олдидан балл йиғишларига имкон берилди. 1-13 мартларда барча талабалар шартли равишда қўшимча муддатли якуний назоратдан ўтадилар. Албатта, 1178 нафар талабанинг ҳаммасини фанлардан ўзлаштиролмаган деб тушуниш нотўғри бўлади. Уларнинг орасида юқори балларни олишга интилаётган аълочи талабалар ҳам бор.

Дарвоқе, олийгоҳда ярим йиллик якуний назорат натижаларига кўра ҳозирча 566 нафар талаба «5», 816 нафар талаба «4» ва «5», 16 нафар талаба тўлиқ «3» ва 770 нафар талаба аралаш баҳоларга тенглашадиган баллар тўплашган.

Йил ва босқич давомида фақат «5» баҳога тенглашадиган баллар билан ўқиб келаётган талабалар 102 нафарни ташкил этади. 85 нафар аълочи талаба энг юқори стипендияга қўшимча равишда яна ҳар ойда 300 сўм пул /ТошДУ стипендияси/ билан рағбатлантирилмоқда. Шунингдек, университетда 1 нафар талаба Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси, 1 нафар талаба Мирзо Улуғбек, 2 нафар талаба Алишер Навоий, 2 нафар талаба атоқли олимлар номидаги махсус стипендия, 10 нафар аълочи талаба эса Япониянинг «Сумитомо корпорейшн» компанияси таъсис этган махсус стипендия ва 3 нафар талаба Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар жамғармаси, Ўзбекистон Республикасининг «Умид» жамғармаси стипендиясини олмоқда.

Ўтган ўқув йилида университетнинг 7 нафар иқтидорли талабаси Ўзбекистон Республикаси иқтидорли ёшларни чет элларда ўқишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси синовларидан муваффақият билан ўтиб, қатор ривожланган мамлакатларга ўқишга кетган эди. Бу йилги «Умид» натижаларига кўра олийгоҳнинг 27 нафар иқтидорли талабаси давлат синовларидан юқори баллар билан ўтишди. Демак, олийгоҳда таълим бериш тизими замон талаблари асосида олиб борилмоқда. Бунинг натижалари келажакда янада яққолроқ намоён бўлиб бораверади.

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

1998 yil — Oila yili

БОЛА УХЛАР БЕШИКДА

Оила — муқаддас даргоҳ. Икки ёшнинг аҳди-паймони ила бунёд бўлган кун унинг унутилмас санасидир. Шу боиски, ота-оналар юртга ош берадилар, ёр-ёрнинг овози авжланади:

Йиғлама қиз, йиғлама,
Тўй сеники ёр-ёр,
Остонаси тиллодан,
Уй сеники ёр-ёр...

Бу кунни никоҳ тўйи деб атайдилар. Оиланинг мустаҳкамлашувида эса бундан-да тотлироқ файз кўрасиз. Бу файзни катталар тилида «томирнинг давомчиси» чақалоқ олиб киради. Ана шу кун муқаддаслик ва мустаҳкамлик юз кўришади. Шу боис яна тўй тарoнаси таралади. Бу сафар қўшиқ ўзгача авжланади ва узоқ вақтгача давом этади:

Алла айтай жоним болам,
Ором олгин алла-ё.
Ором олиб катта бўлгин,
Жоним кўзим алла-ё.
Дикир-дикир ўйнагин,
Тикон сенга кирмасин.
Кўзи холи бандини
Кўзи сенга тегмасин.

Бешикдаги чақалоқ қайноқ бир меҳр туяди. Шунгами бир умр бу меҳрга интилиб яшайди.

Биз юқорида бешик ҳақида гапирдик. Бирорта ўзбек хонадони йўқки, гўдакни бешиксиз ўстирган бўлса. Ўша муқаддаслик ва мустаҳкамлик юзлашган кун кўп ёри-биродарлар елкаларига бешик ортиб келишади. Ҳатто баъзилар никоҳ куниёқ келин-куёвга уни тақдим этишади. Бу «оилангиз мустаҳкам бўлсин, худо фарзанд берсин», маъносидадир. Демак, бешик ҳам маълум маънода оиланинг таянчи десак муболаға бўлмас. Шу сабаб ҳам уни яратувчиларнинг меҳнатларини қадрлаш керакдек туюлади, бизга.

Чорсудаги ҳунармандлар расталарини кузатиб юрсам, оилавий бешикчиларга дуч келиб қолдим. Ўзини Зумрад Ҳакимова деб таништирган аёл бешикчилик билан турмуш ўртоғию фарзандлари ҳам шуғулланишини айтиб ўтди. Оиланинг каттаси Зикрилла ака Ҳакимов ҳам неча йилдирки, ота касби — бешик ясаш билан шуғулланади. Бу касб туфайли у киши оталарининг боболари ҳам ном қозонган бўлиб, эл орасида Мирaзиз бешикчи деб танилган эканлар. Зумрад опа бешик устига ёпиладиган гаврапўшларни ҳам ўзлари тикишларини айтиб ўтдилар.

— Бешикнинг хосиятларини айтаверсак, адоғи йўқ, — дейди опахон. — Биринчидан, бола тинч ухлайди, озода бўлади. Бундан ташқари, бешик ҳар хил ранг билан бўялган. Бола эса ана шу рангларга қизиқиб, талпинади. Ундаги шилдироқчалар — болага овунчоқ. Бешикни эса тол, тут каби дарахтлардан тайёрлаймиз.

Эҳ-ҳе, бешикчи опанинг гапларини эшитиб ҳавас қилиб кетасиз. Ҳам ҳалол меҳнат, ҳам беғараз ёрдам ҳамда кўпнинг қувончига шерик бўлиш... Бу ахир ҳавас қилса арзигулик ота мерос касб эмасми? Илоҳим, ушбу Оила йилида ҳар бир хонадонда чақалоқлар йиғиси тинмасин! Зумрадхон опаю Зикрилла акалар каби бешикчи-ҳунарманд оилаларнинг бозорлари гавжум бўлсин.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ

ОТА МЕРОС

Миллий қадриятларсиз миллат келажагини тасаввур этиш қийин. Юртбошимизнинг қадриятларимизни тиклаш ва миллий ўзликни англашни камол топтиришга алоҳида эътибор қараётгани ҳам шундан: «Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён, деб ҳисоблаймиз. Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Дарҳақиқат, қадриятларимиз ватандошларимизни, жумладан, ёшларимизни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Ота-боболаримиздан мерос туркона урф-одатлар дилларга ёруғлик, эзгулик нурини олиб кирувчи мўъжизаки, бу юксак туйғулар фарзандимиз онги, шуурини чархлайди, улар камолига зийнат бағишлайди.

Ана шу мақсадларда «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази фаолиятини такомиллаштириб, унинг самарадорлиги оширилгани, «Олтин мерос» халқаро жамғармаси ташкил қилингани айни муддао бўлди.

Маълумки, ўзбек халқининг миллий қадриятлари узоқ тарихий даврни қамраб олади. Бинобарин, миллий қадриятлар тарихий хусусиятга эга. Миллат қанча қадимий бўлса, унинг қадриятлари ҳам шунча бой ва қадимийдир. Туркий халқлар тарихининг йирик тадқиқотчиси В. Бартольднинг «Эски туркларда миллий виждоннинг шаклланганлигига шубҳа бўлиши мумкин эмас», деган фикрида туркий қадриятнинг кўҳна тарихи эътироф этилган. Олимларимизнинг заҳматли меҳнатлари эвазига фанга маълум қилинган «Жайтун маданияти», «Калтаминор маданияти», «Сополлитепа маданияти» сингари ўнлаб қадимий маданий қатламлар бутун дунё маърифат аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Бу қимматли топилмалар юртимиз жуда қадим даврлардан юксак даражадаги қадриятлар диёри бўлганини асослайди.

Таассуфки, тоталитар сиёсат ҳукмронлик қилган йилларда халқимизнинг асрлар синовидан ўтган, сайқал топган миллий қадриятлари оёқости қилинди. Жумладан, «шаклан миллий, мазмунан социалистик» маданият байроғи остидаги ҳаракатлар фақат миллийликни сўндиришга қаратилган эди. Чор мустамлакачилари ҳукмронлиги даврида ўлкада миллий урф-одат ва қадриятларни таъқиқлаш борасида оширилган разилликлар архив хужжатларида ўз аксини топган. Бундай архив ҳужжатларини тадқиқ этган олимларимизнинг /Маҳмуд Аҳмедов/ аниқлашларича, 1893 йил 5 октябрь ва 1897 йил 3 ноябрда мусулмонлар кийиб юрадиган турли хил бош кийимлар, уларни қайси жойда кийиш, қайси жойларда киймаслик ҳақида фармонлар чиқарилган. Мазкур фармонларда турли анжуманларда мусулмонларга хос кийимлар «рус халқи ҳурмати учун ечиб қўйилиши, яъни бошяланг ўтириш керак», деган талаб қўйилади. 1901 йил 21 майда Ички ишлар вазирлиги, Дин назорати, Департамент ва Бош штабнинг маслаҳати билан «Мусулмонлар бош кийимларини кийиши ва киймаслиги» ҳақида махсус фармон чиқарилди. Мана ундан бир кўчирма: «Ҳамма мусулмон халқи бош кийимини фақат ўзлари яшайдиган жойларда: уйларидами, кўчаларидами... кийиб юраверсинлар». Чор мустамлакачилари миллий қадриятимизнинг унут бўлишига, ўз маданиятларини тарғиб этишга, шу тариқа зўравонлик билан интилганлар.

Шўро салтанати даврида ўзимиздан чиққан манқуртларнинг миллийликни инкор қилишига қаратилган «кашфиёт»ларини бир эсланг. Бу «назариётчилар» шу даражада юз тубан кетишдики, ҳатто чойхона деворидаги дуторни ҳам «эскилик сарқити» дея «асослашди». Даҳрийлар олиб борган, узоқ йиллар давом этган бу сиёсат халқнинг миллий қадриятлари равнақига тўсиқ бўлди. Миллий қадриятлардан узоқлашиш оқибатида кўпчиликда миллий виждон, ўз Ватанига садоқат туйғулари хира тортиб қолди. Айримларда Ватан тақдирига лоқайдлик, бефарқлик устивор мавқени эгаллади. Зеро, миллий ўзликни англаш, миллий ғурур, Ватанга муҳаббат туйғуларини миллий қадриятларсиз тасаввур этиш қийин.

Зеро, Ватан ягонадир. Ватаннинг катта-кичиги, равнақ топгани ёки равнақсизи бўлмайди. Шу ўринда мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» номли асаридаги ушбу сўзларини келтириб ўтиш жоиз: «Бугун Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис этяпти ва бундан фахрланяпти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан биринчиси ана шу десак, асло янглишмаган бўламиз. Ватан, ватандошлик туйғуси эски мафкуравий қобиқлардан халос бўлиб, ўзининг асли қиёфасини топди.»

Чиндан таваллуд топган ерга эътиқод ўзбекларга ота мерос қутлуғ фазилат. Жаҳон халқларининг маънавий ва маърифий юксалишига беқиёс ҳисса қўшган буюк бобокалонларимиз ўз исмларини киндик қони тўкилган муқаддас макон номи билан айтганлари бежиз эмас: Бухорий, Хоразмий, Фарғоний, Марғилоний, Намангоний, Термизий...

Мамлакатимизда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши таълим ва тарбия ишларида долзарб вазифаларни белгилаб беради. Миллийлик умуминсонийликнинг бир қисми, аслида эса умумбашарийлик — миллий қадриятлар негизида таркиб топади. Демак, миллий ва умуминсоний қадриятларни тўғри қўшиб олиб бориш — тарбиянинг муҳим шартидир.

Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,
тарих фанлари номзоди, доцент

Ta'limda tadbirkorlik

«ДАМАС» ОЛГАН МАКТАБ

Облоқул ака—мактаб директори. У раҳбарлик қилаётган Беруний номидаги 3-ўрта мактаб Зафарободдагина эмас, балки Жиззах вилоятида ҳам машҳур.

Мактабда 780 ўқувчи бор, уларга 43 нафар мураббий билим сирларини ўргатишмоқда. Улардан 2 нафари олий тоифалидир. Бу мактабни битирган ёшларнинг аксарият қисми турли касб эгалари бўлиб чиқишяпти. Касбга болалар 5-синфдан бошлаб тайёрланиб борилади. Улар этикдўзлик, сартарошлик, сураткашлик, радио-телевизор устаси, тикувчилик сингари касбларни кунт билан ўрганишади. Айни бир вақтнинг ўзида ушбу касб эгаларига ўқиш жараёнида стипендия бериб борилмоқда, бу эса ёшларнинг ўз устларида жиддий ишлашларига туртки бўлмоқда. Мактабда Беруний ва Улуғбек номидаги стипендиялар ташкил этилган. Мактабни битирган болалар ҳуда-беҳудага сандқиб юрмайдилар. Бундан ота-оналар ҳам мамнун.

Мактаб ихтиёрида 2-болалар боғчаси бор. Унда 200 дан ошиқ бола тарбияланмоқда. Тарбияланувчилар уч маҳал овқат билан таъминланадилар. Уларнинг кунлик овқатлари текин. Хоналар тўлиқ газлаштирилган, иссиқ. Хўш, бундай муваффақиятларга қандай қилиб эришилмоқда? Болаларга нимaнинг ҳисобидан ўқув қуроллари, уст-бош бепул берилмоқда? Мактаб раҳбари Облоқул Болиев буни шундай шарҳлайди:

— Халқ таълимини ислоҳ қилишнинг асосий негизларидан бири ўз-ўзини маблағ билан таъминлашдир. Мактабимизга 32 гектар ер берилган бўлиб, биз бу ердан унумли ва тўғри фойдаланаяпмиз. Ўтган йили ҳар гектар майдондан 20 центнердан ҳосил етиштириб, зиммамизга олган режамизни ошиғи билан бажардик. Ярим миллион соф даромад билан йилни якунладик. Биз бу пулларга мактабимиз учун жиҳозлар сотиб олдик. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бердик. Деҳқончилик билан шуғулланамиз. Дастлаб 5 гектар ер олгандик, бу йили эса 10 гектарга етказдик, кейинчалик эса 100 гектарга етказиш ниятимиз бор. Барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўзимиздан чиқади. Ана шунинг эвазига ўсимлик ёғи, совун, кунжара каби кундалик эҳтиёж моллари олиб турибмиз. Бу маҳсулотлар ўқитувчилар ва пахтада ишлаган хизматчиларга берилмоқда. Даромадимиз ҳисобига «Дамас» енгил машинаси олганмиз, «Нексия» машинаси олиш ниятимиз бор.

Эгамберди ЎРОҚОВ

Qutluq' ostona

ИЛК «ҚАЛДИРҒОЧ»ЛАР ПАРВОЗИ

Тошкент ҳисоб-кредит коллежи... республикамиздаги кенжа ўқув даргоҳларидан. 1995 йилда ташкил этилган. Банк тизими учун банк иши мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлайди. Айни пайтда 1000 нафарга яқин талаба таҳсил олмоқда.

Ушбу маълумотни ён дафтарчамга қайд этаётган чоғимда коллежда қувончли ва қутлуғ бир руҳ ҳукмрон эди. Коллеж дастлабки битирувчиларининг хайрлашув кечаси тантанаси бошланаётган эди. Ҳамма оёққа қалқиб, Ўзбекистон мадҳияси янгради. Ўзбекистон байроғи ҳамда коллежнинг рамзий калитини кўтарган талабаларнинг чиқишларидан сўнг ўқитувчи-устозлар ва талабалар дил сўзларини изҳор этдилар. Менинг назаримда бу тантанада «илк қалдирғочлар» деган сўз такрор-такрор тилга олиниб, дилларга юксаклик ва парвоз, баҳорий илиқлик бахш этган сўз бўлди.

Дарҳақиқат, Тошкент ҳисоб-кредит коллежи ўзининг 84 нафар «илк қалдирғочлар»ини учирма қилмоқда. Улар энди республикамиз банк тизимида фаолият кўрсатадилар.

Етук кадрлар давлат аҳамиятига молик масала бўлиб турган бир пайтда бу коллеж битирувчилари жаҳон андозаларига мос тарзда иш юрита оладиган мутахассислар бўлиб етишаётганлиги нур устига аъло нурдир. Хўш, бунинг учун ўқув юртида қандай ўқув-ўқитув ишлари амалга оширилади, деган савол кўпчиликни қизиқтиради, албатта. Бизни ҳам ана шу савол қизиқтираётганини сезган коллеж директори Ғофуржон Топилов қуйидагиларни гапириб бердилар:

— Банк тизими иқтисодиётимизнинг юраги ҳисобланади. Ҳозиргидек бозор шароитида, айниқса бу жуда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун бизнинг коллежимизда ўқиган ҳар бир талаба дунёқараши кенг, янгича техника билан, чет эллик мижозлар билан бемалол ишлай оладиган, ҳар томонлама билимга эга бўлишлари учун барча имкониятлардан фойдаланамиз.

Тўрт йўналишдаги: ижтимоий-гуманитар, чет тили, умумиқтисодий фанлар ҳамда махсус банк фанлари бўйича ўқув ишлари олиб борилади. Айниқса, компьютерлар билан ишлашга, махсус банк фанларига эътиборни кўпроқ жалб этганмиз. Талабаларимиз кредит асослари, банк маркетинги, қимматбаҳо қоғозлар, акциялар билан ишлаб, хулласки, банк соҳасида жаҳон андозалари бўйича ишлай олишлари учун лозим бўлган билимларни эгаллашлари учун барча шарт-шароитларни яратганмиз.

Бу борада, албатта, амалиёт муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ўқув режамизда амалиёт ҳар ўқув йилига 2,5-3 ойни ташкил этади. Талабаларимиз амалиётни бевосита Марказий банкда, тижорат банкларида ўтказишади. Бундан ташқари, дарслар ҳафтасига уч кун ихтисослаштирилган акциядорлик — тижорат «Ғаллабанк»ида ўтилаётгани ҳам яхши самара бераётир. Назарий ва амалий дарсларимизга кўпроқ шу соҳанинг иқтидорли мутахассисларини жалб этганмиз. Яна шуни айтиш лозимки, бизнинг ўқув-ўқитув ишларимизнинг ташкилий жиҳатларида ҳам бошқа ўқув юртлардагига нисбатан фарқ бор.

Ҳа, директорининг сўзларидан сезилиб турибдики, бу ўқув даргоҳида янгиликка интилиш, қизғин изланишлар жараёни бораётир. Бу жараён, директор таъбири билан айтганда, «иқтисодиётимизнинг юраги бўлган банк тизимини» ривожлантиришга, янада юксалтиришга қаратилган. Бугун бу даргоҳдан парвоз қилаётган «илк қалдирғочлар» ҳам ана шу юксакликлар томон талпинмоқдалар. Уларни кузатган устозлари билан биргаликда, биз ҳам уларга «оқ йўл» тилаб қоламиз.

Зубайда УСМОНОВА

Diydor

1500 дан зиёд ўғил-қиз таълим олаётган Ҳожимирза Бобоназаров номидаги 8-ўрта мактаб Наманган туманидаги таянч масканлардан саналади. Вилоят миқёсида билим масканининг нуфузи ортиб бориши таълим-тарбия жараёнига жиддий муносабат маҳсулидир. Ўтган ўқув йили якунига кўра, кўпчилик битирувчилар олийгоҳ ва коллежларга қабул қилинди. Вилоят ва республика танловларида ҳам ўқувчилар иштирокини кузатиш мумкин.

Миллий урф-одатлар,

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

қадриятлар, инсоний фазилатларга эътибор берилаётган бу даргоҳда «Уч авлод учрашуви» мавзуида кеча ташкил этилди. Нафақадаги, ўрта ёшдаги ва ёш муаллимлар иштирокида ўтган учрашув ўзгача файз билан ўтди. Кекса педагоглар тажрибаларидан келиб чиқиб, ўқитувчилар жамоасига маслаҳатлар беришди. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ҳар бир мулоқот Ватан, Миллат ва Эътиқод туйғуларининг камолотига хизмат қилиши зарурлиги таъкидланди. Раънохон Ҳайдарова каби ўқитувчилар меҳнати юқори баҳоланди. Қатнашчиларга эсдалик совғалари топшириш ва «Гуллола» концерт дастасининг чиқишлари билан ўрнак олса арзийдиган тадбир якунланди.

Тўхтахон РАҲИМОВА,
жамоатчи мухбир

Асака шаҳри Беруний номидаги 7-ўрта мактабда табиат фанидан дарсларни олий тоифали ўқитувчи, халқ таълими аълочиси Нина Епанишникова ўтади. Унинг дарслари нечоғли қизиқарли ва мазмунли ўтишини ўқувчилару ўқитувчиларгина эмас, ота-оналар ҳам эътироф этишади.

СУРАТДА: ана шундай дарс сабоқларидан бири.

А. АБДУРАҲИМОВ олган сурат

Ta'lim fidoyilari

ОЛИМ БЎЛСАНГ — ОЛАМ СЕНИКИ

Ғарб ва Шарқ тилларини мукаммал эгаллаган ажойиб инсон, серқирра олим, жон куяр мураббий, шогирдлар қувончини, бахтини ҳис қилиб, яшаб ижод этаётган меҳрибон устоз билан бир жамоада ишлаб келаётганимиздан ғоят бахтиёрмиз.

Кўп шогирдлар қалбида илмга, фанга, тилшуносликка қизиқиш ва муҳаббат уйғота олган. А. Абдуазизов талабалик йилларидаёқ ижод ва илмий изланиш билан шуғулланиб, ўзини чиниқтира бошлаган эди. Ана шу қизиқиш уни Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг инглиз тили кафедраси аспирантурасига ўқишга етаклади. Узоқ ва машаққатли изланиш ва тинимсиз меҳнатдан сўнг А. Абдуазизов 1967 йилда Москва педагогика институтида «Инглиз ва ўзбек тилларида унли фонемаларнинг қиёсий таҳлили» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Шундан сўнг ҳам ҳамиша серғайрат, жўшқин илму маърифатга интилиш А. Абдуазизовни тинч қўймади. У тилшуносликнинг энг долзарб муаммолари устида астойдил изланиб, 1974 йилда Москвада «Фонологик системаларнинг типологиясига доир» мавзусидаги докторлик диссертациясини герман ва туркий тиллари мутахассислиги бўйича ҳимоя қилди. Ана шундай тинимсиз меҳнатлар ва илмий изланишлар самараси натижасида А. Абдуазизов туркий ва герман тиллари фонетикаси, фонологияси ва морфонологияси, умумий тилшунослик ва нутқ маданияти, социолингвистика ва психолингвистика бўйича нафақат республикамизда, балки МДҲ давлатлари орасида ва қолаверса чет элларда ҳам маълум олим бўлиб етишди.

Абдузуҳур ака нафақат тилшунослик, балки адабиётшунослик ва тарих соҳасида ҳам илмий асарлар ёзади. Айниқса унинг Алишер Навоий ва Бобур, Абдулла Қодирий ва Чўлпон ижодларининг хорижда ўрганилишига доир тадқиқотлари қизиқарлидир. «Бобурнома» асарининг Ғарб тилларига таржимаси ҳақидаги фикрлари ҳам барчага аёндир. Устоз тилшунос адабиётшунослик, тарих, фалсафа ва психологияни чуқур билиши зарурлигини такрор ва такрор уқтиради. Амир Темур ҳазратлари ҳаёти ва фаолиятини чет элларда ўрганилишига доир қатор мақолалари билан ҳам элга танилди.

Устознинг бир неча чет тилларини билиши жаҳон тилшунослигидаги янгиликлардан доим хабардор бўлиб туришида қўл келади. Ҳақиқатан ҳам у ўз касбининг фидойиси, тилшунослик ҳақидаги баҳслардан чарчамайди, теран фикр юритади ва билганини шогирдларидан аямайди. Кейинги йилларда у моҳир ташкилотчи сифатида танилди. ТошДУ хорижий филология факультетида декан бўлиб, домлаю талабаларга доим раҳнамо.

А. Абдуазизов Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан республикамизда илм-фанни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишида ўзининг ҳалол меҳнати билан эришган ютуқлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони билан тақдирланган. У, шунингдек, «халқ таълими аълочиси» нишони билан мукофотланган.

Серқирра олим ва меҳрибон устоз, профессор А. Абдуазизовнинг босиб ўтган йўлига назар ташлаб, домлага ҳавас қилиб сўзимизни Мунниддин Жувайнишнинг ушбу мисралари билан мухтасар қилмоқчимиз:

Билим кишиларни улуғвор қилар,
Одамдан кетмайди то у ўлгунча!
Олтин, кумуш билан керилма зинҳор,
Бу иззат олтину кумуш тургунча!

Шухратхон ИМЯМИНОВА,
Улуғбек САИДОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги ТошДУ катта ўқитувчилари

«Хат-ярим дийдор» дейдилар. Рост гап. Таҳририятимизга Сизлардан кунига ўнлаб мактублар келар экан, улар мутолааси бизни Сизнинг қалб ҳароратингиздан, юрагингиздаги чин сўзлардан огоҳ этади, бизга мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларининг-да ҳавосини олиб келгандай бўлади.

Биз учун барчаси ардоқли бўлган ушбу мактубларнинг ҳеч бирини эътиборсиз қолдирмаслик учун мунтазам бериб боришни ният қилдик. Зеро, улкан мамлакатимизнинг жанубий ҳудудида яшаётган муаллим шимолий ҳудудимизда яшовчи ҳамкасби (ёки аксинча) нималарни ўйлаётганлиги, нима ташвишлар уни қийнаётгани ёки қандай воқеа қувонтираётгани, муаллимлик орзу умидларию, касбида қўллаётган янгиликлар хусусида янада кенгроқ билсин, ҳис қилсин!

«Хатлардаги қалб ҳарорати» рукни таҳририятимизга йўлланган мактублар оқимини баҳор селларидек тошираp, деб умидланамиз. Дийдор истаб,

ТАҲРИРИЯТ

ХАТЛАРДАГИ ҚАЛБ ҲАРОРАТИ

Миллий Дастур талаблари асосида келажак мактаб менинг тасаввуримда

Ҳар бир ўқитувчи дарсга кирар экан, келажагимиз ана шу ёшлар қўлида эканлигини унутмасликлари лозим...

... Келажакдаги мактабларни мен шундай тасаввур қиламан: Мактаб ҳовлисида катта гулзор ва фонтан бўлади. Мактаб атрофи боғ, боғда киши дилини яратувчи мевалар ғарқ бўлиб пишади. Ҳар бир мактаб ўз ошхонаси менюсини ана шу ўзи етиштирган мевалар билан қишин-ёзин тўлдириб боради. Шинам ва ёруғ хоналарда 30-40 та эмас, 20 та ўқувчи таълим олади. Ҳар бир синф ўқувчилари табақалаштирилган ҳолда ўқитилади. Уларнинг мактаб формалари бир хил, худди кинолардаги каби чиройли бўлади. Ўқитувчилар ҳам формада, кўксида таълим тамғаси бўлади. Ўқитувчи ва ўқувчилар орасида дўстлик, ҳамкорлик кучаяди. Дарслар рейтинг — кўп балли усулда олиб борилади. Барча иш режалар қайта кўриб чиқилади. Янги алифбо асосида хоналар қайта жиҳозланади. Ҳар бир синф раҳбари ўз иш режасини қайта кўриб чиқади. Унда миллий анъаналаримиз, урф-одат ва қадриятларимиз мужассам бўлади. Мактаб кутубхонаси асосий дарсхонага айланади. У ерда бўлажак академик, шоир ва олимлар дарс қиладилар...

Зулфия САЛИМОВА,
Қоракўл туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси

ИШЧАН МУАЛЛИМА

Холбуви Намозова Челак туманидаги 17-ўрта мактабда ёшларга сабоқ беради. Ўтган йили сентябрь ойида муаллима ташаббуси билан мактаб қошида бошланғич «гимназия синфи» ташкил этилди. Опада шундай маҳорат борки, ўқувчилар у кишини ўз онасидек севадилар. Опа ҳам ўқувчиларини ўз фарзандидек кутиб олади. Яқинда мактабда бошланғич синфлараро «Алифбе» байрами бўлиб ўтди. Байрамга ота-оналар, ўқитувчилар таклиф этилди. Саҳнада «гимназия» ўқувчилари томонидан ҳар хил кичик миниатюралар, навоийхонлик, лирик шеърлар, мустақил Ватанни куйловчи қўшиқлар, ўзаро беллашувлар бўлиб ўтди. Байрам якунида, синфлараро беллашувда Холбуви опанинг 1-«А» синфи ғолиб деб топилди. «Алифбе» байрамида болаларнинг ҳаммаси ўткир билимли эканлигини, бир-бирларидан қолишмаслигини кўриб беҳад севиндик ва муаллимага келажакда ўқувчиларга билим ўргатишга куч-ғайрат, яхши тилаклар билдирдик.

1«А» синф ўқувчилари ота-оналари (24 киши) номидан хат йўлловчи Абдуғани МИРЗОНОВ,

Челак тумани Жиянбек қишлоғи.

МЕНДА ФИКР БОР...

Мен газетанинг 1998 йил 28 январь сонида «Баҳс, мунозара» рукни остида босилган «Тошбитиклар бадиий матн эмас» (В. Раҳмонов) ва «Маҳорат — ҳал қилувчи омил» (Б. Тухлиев) мақолаларини қунт билан ўқиб чиқдим. Аввало мен икки олим баҳсига аралашаётганим учун уларнинг ҳар иккисидан ҳам узр сўрайман. Ҳурматли домламиз В. Раҳмонов ўз мақоласида айнан ўқитувчи кўнглидаги мулоҳазаларни топиб, дарсликдаги матнларга эса ўқитувчи нуқтаи назаридан қараб, фикр билдирганликлари кўриниб турибди. Мен тошбитиклар, Култегин, Билга Хоқон, Тунюқуқ ёдгорликлари керакмас, деган фикрни айтмоқчи эмасман. Аммо бундай тарихий мавзудаги асарлар ўрнига, таълим-тарбияга оид асарларга кенгроқ ўрин берилса аъло бўларди, деб ўйлайман.

Мақола муаллифи ўқитувчиларнинг мумтоз адабиётдан қийналишларини тўғри таъкидлаганлар. Энди иккинчи мақолага келсак, ҳурматли домланинг фикрлари ҳам тўғри, аммо домла кўп ўринларда дарсликка ўз нуқтаи назаридан қараб фикр билдирганлар. Оддий қишлоқ ўқитувчиси билан профессор олим ўртасидаги тафаккур, тушунча фарқи қанчалиги ўзузидан маълум-ку!..

Менимча мумтоз адабиётни ўқишда қийнмалмаслик учун кўпроқ луғатлар зарур.

Дилором РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Сайхунобод туманидаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси

ИСТИҚЛОЛ ИЛҲОМ БЕРДИ

28 йилдан буён ўқитувчилик касбини эъзозлаб, азиз касбим шарофатидан элга эл бўлиб, рўзғор боқиб миннатдор яшаяпман. Ёшлигимдан шеъриятга қизиқиб яшардим, бундан олдин ҳам шеърлар, ғазаллар машқ қилар эдим. Машқларимнинг айримлари газеталарда босилларди. Оила, рўзғор, ўқитувчилик ишлари билан банд бўлиб, машқ қилишни тўхтатган эдим. Истиқлол шууридан завқланиб, яна ғазаллар ёзишга ҳаракат қиляпман.

Бош узра қушим Ҳумо, шукр, соябон бўлди.
Юлдузли осмон ости— жон Ўзбекистон бўлди.

Ҳақиқат эгилади синмайди, деганлар ҳақ,
Ҳақ жойда ўрин топди, мустақил замон бўлди.

Бирлашиб қудрат бўлиб, қадим Турон саҳнида
Меҳримиз офтобчаю кўксимиз осмон бўлди.

Эй она Ўзбекистон, бахтинг кўриб Нурилло
Илҳоми тошиб, қалби, зеҳни нурафшон бўлди.

Нурилло НУТФУЛЛАЕВ,
Ғиждувон туманидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси

Хатларни Икром БЎРИБОЕВ саралади

Tadbir

ҲАМКОРЛИКДА ГАП КЎП

Президентимиз томонидан 1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилинганини халқимиз зўр хурсандчилик билан кутиб олди. Дарҳақиқат, оила — муқаддас даргоҳ. Зеро, оила меҳр-муҳаббат, садоқат, ўзаро ишонч замирига қурилган бўлса, демак у мустаҳкамдир. Бундай гўшада камол топган фарзандлар гўзал хулқ соҳиблари бўлиб камол топади, жамиятга катта фойда келтиришади. Аксинча, оиладаги носоғлом муҳит, эр ва хотинлар ўртасидаги ўзаро жанжаллар, ичкиликка берилиш, ўзаро ҳурматсизликлар оқибатида оила барбод бўлади.

Бешариқ тумани Муқимий номидаги 19-мактабда ўтказилган ота-оналарнинг навбатдаги йиғилиши худди шу масалага бағишланди. Мактаб директори Зоиржон Исоқов ўқувчи ёшларни касбга тайёрлаш, билим бериш, «Таълим тўғрисида»ги Қонун борасида маъруза қилди. Мактаб ота-оналар кенгашининг раиси Усмонали Худойназаров оила мустаҳкамлиги, ота-оналар масъулияти, оила ва мактаб, маҳалла ва милициянинг ҳамкорликдаги фаолияти хусусида алоҳида гапирди.

Йиғилишда қишлоқ фуқоролар йиғини раиси Маҳбубахон Юнусова маҳалла оқсоқоллари, туман халқ таълими бўлими ҳамда ички ишлар бўлими ходимлари иштирок этдилар. Ота-оналар иштирокида ўтказиладиган бундай очиқ мулоқотлар, йиғилишлар оила ва мактаб ҳамкорлигини янада мустаҳкамлайди.

Маърифат ҒАНИЕВА,
Бешариқ тумани, Муқимий номидаги 19-мактаб директори ўринбосари

Mulohaza

МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ

Мустақил фикрлаш, энг аввало, ўзўзини англашдир. Ўзини англаган одам жамиятда муносиб ўрнини топади, бу дунёда яшашнинг маъносини англайди. Яна бу — оғир вазиятдан чиқиб кета олиш имконияти ҳамдир.

— Омонат дунёда хиёнат нима учун керак. Инсоннинг вазифаси — ҳалол луқма ила яшамоқ, фарзанд кўрмоқ ва уларнинг кўнглига яхшилик уруғини экмоқдир, — деди кекса отахон дуога қўл очишдан аввал.

Еттининг бири Хизр, дейдилар. Балки оппоқ соқолли, нуроний чеҳрали бу қария авлиёдир, деб ўйладим унинг сўзларини тинглаб. Амир Темурнинг болалигидаёқ айтган фикрлари катталарнинг етти ухлаб тушига кирмаган. Ҳазрат Навоийнинг туққиз ёшда айтган байтига мавлоно Лутфий бутун умрида яратган асарларини алиштирмоққа рози бўлган.

Ҳали мактаб ёшига етмай, бутун Узбекистонга танилган Дилшод Каттабековнинг фикрларини эшитсангиз: «Бу катталарнинг одати қизиқ, сахнага чиқиб бағрига босаверади, иссиқлаб кетганимдан тоза ҳавога чиқиб кетгим келади».

Мустақил фикр болага билдирилган ишончдан бошланади. Унга катталарга муомала қилгандек муносабатда бўлсангиз, ўзини мустақил сезади, фикр билдиради.

Ошхонада овқатланаётгандик. Нариги столда учта ҳарбий ва битта болакай ўтирибди. Ҳалиги бола бирон савол сўраб қолса, учаласи суҳбатдан тўхтаб, жавоб беради, тушунтиради. Боринги, бола давранинг тенг ҳуқуқли қатнашчиси.

— Кўряпсизми, — дея уларга ишора қилди ҳамроҳим. — Фарзандни ҳаётга тайёрлаш мана шундан бошланади.

Республика олимпиадасида қатнашган ўқувчилар билан суҳбатлашдим. Барчасининг ҳаёт тўғрисида, одамлар ҳақида ўзининг фикри бор.

Немис тилидан ўтказиладиган олимпиада қатнашчиси Азимжон Иброҳимов. Андижон шаҳридан. Муҳандислик ва иқтисодиёт олийгоҳи қошидаги Мирзо Улуғбек номли иқтисодиёт лицейи ўқувчиси, онаси ҳамшира. Отаси — Абдумўмин Иброҳимов ҳам зиёли инсон. Гёте, Ҳенрих Ҳейнени оригиналда ўқийди. Аскияга уста. Ҳунари бор. Бўш пайтларида туфли тикади.

— Хўш, Ҳейнени оригиналдан ўқисангиз, ўзбек тилига таржима қилинган шеърлари ҳақида қандай фикрдасиз? — деб сўрадим Азимжондан. У эса Эркин Воҳидовнинг шеъри билан жавоб қайтарди:

Ой ўртанар кўзларида ёш,
Кўкси доғу юраги қийма.
Дер, эй фалак, мен эдим қуёш,
Нега мени қилдинг таржима.

Бундай ёшлар билан суҳбатлашсангиз фахрланасиз, кўнглингиз ғурурга тўлади. Яна шу нарсани кузатдимки, ўзининг мустақил ва дадил фикрлари билан ажралиб турган ёшларнинг аксарияти ўқитувчи ёки шифокорнинг, демакки илмнинг қадрига етган инсонларнинг фарзандларидир. Нима учун? Бу саволга қуйидаги публицистик шеър билан жавоб қайтаргим келди:

Далага жўнаётган деҳқон
ўғлига буюриб кетди:
Молларга қараш, ер чопиб
Уйда ўтиришни.

Қайтиб келса,
Ўғли уйқуни уриб ётибди,
Топшириқни бажариб.
Ўғлидан мамнун бўлиб
Ўйлади ота:
«Улғайсанг одам бўласан».

Мактабга жўнаётган ўқитувчи,
Ўғлига қоғоз тутди,
Шу ишларни бажаргин
ёзиб қўйганман.
Қайтиб келиб текшираман.
Кечки пайт келса
Ўғли дарсхонада китоб ўқияпти
Топшириқни бажариб.
Ота чорбоғни айланиб
ўғлини кўйиди:
«Қачон мустақил бўласан!»
Бу ҳол кўп бор такрорлангач,
Танбеҳдан зада бўлган ўғил
Шартта бир дарахтни
кесиб ташлади,
Мустақил фикрлаб.
Ота ўғлининг бу ишидан
Роят мамнун бўлди:
«Ҳа, балли.
Ана энди ўз фикрингни
топибсан, лекин,
Мустақил фикрлашни
ўрганганинг шарафига
Икки юз туп дарахт экасан».

Абдураҳмон ЖЎРА



Sport

РУФАТ РИСҚИЕВНИНГ ЖАСОРАТИ ТАКРОРЛАНДИ

Нагано олимпиадаси чемпиони, россиялик машҳур спортчи Паша Грушик ўзи сезмаган ҳолда муз устида тенгсиз жасорат кўрсатди. У чап қўли синган ҳолда ажойиб рақс намойиш этиб, Наганонинг олтин медалини қўлга киритди. Бундан айрим врачлар ҳам таажжубга тушмоқда. Бизнинг Руфат Рисқиев ҳам бир қўли синган ҳолда жаҳон чемпиони бўлган эди.

БОЙНИНГ ОТАСИНИ ЎЛДИРИШДИ

Дунёнинг энг машҳур ва энг бой спортчиси, АҚШлик профессионал баскетболчи Майк Жорданнинг отасини ўлдириб кетишди. Қотил Дэниэл Грин Жеймс Жорданни нима учун ўлдирганлигини терговчилардан яширмоқда. Шу кунларда АҚШда худди шу жиноят юзасидан жиддий текширув олиб борилмоқда.

ПИТ САМПРАСНИНГ ЮТУҒИ

Яқинда рейтинг асосида дунёнинг энг машҳур 20 теннисчиси (эркаклар) аниқланди. Биринчи ўрин АҚШлик Пит Сампрасга насиб этди. У жами 3700 очкога эга бўлди. Иккинчи ўринга 3437 очко тўплаган чехиялик Петр Корда лойиқ деб топилди. 3332 очко йиққан австралиялик Патрик Рафтер учинчи ўрин билан кифояланди. Евгений Кафельников бу гал 2765 очко билан 6-ўринда қолди.

БЕЛЬГИЯЛИК ШИФО БЕЛЬГИЯГА КЕРАК ЭМАС

Футбол бўйича Бельгия терма командасининг ҳужумчиси, маҳоратли Энцо Шифо нимагадир мамлакат терма командасидан чиқарилди. Шифо бундан қаттиқ ранжиди ва бундан буён Бельгия учун бирор марта ҳам майдонга тушмаслигини билдирди.

Шифо ҳозирча «Андерлехт» командасида ўйнамоқда.

«НАВБАҲОР»НИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Футбол бўйича Осиё кубок эгалари кубоги мусобақасининг навбатдаги босқичи ҳам тугади. Наманганнинг «Навбаҳор» командаси мусобақада «Ал Ажар» (Ливан), «Ал Ҳилол» (Саудия Арабистони) ва «Пируди» (Эрон) командалари билан учрашиб 0:0, 1:3, 1:1 натижа билан жами 2 очко тўплаб, ҳал қилувчи босқичдан маҳрум бўлди.

maydonchasi

Xullas...

ЧИДАГАНГА ЧИҚАРГАН

Шинжонда автобусларга чидаган чиқаркан. Маҳаллий аҳоли майнавоз автобусларга ўрганиб қолишган. Агар четдан бориб қолган бўлсангиз, 200 чақирим йўлни 10 соат мобайнида босиб ўтишга мажбур бўласиз. Сиздан кўп нарса талаб қилинмайди. Жадвалда кўрсатилганидан 2 соат кечроқ қўзғалган автобус барибир йўловчилар билан тўлмайди. Тоқатингиз тоқ бўлганда, жойидан автобус сизнинг сабрингизни энди синайди. Хайдовчи тўғри бозорга юриб, майда-чуйда олганларини уйига олиб бориб ташлаб чиқишидан тортиб, озгина «қистирган» йўловчиларни уйма-ўй ташлаб кетишига чидасангиз, кифоя. Ахир бегона жойда 200 чақирим жойни 2-3 соатда босиб ўтиш учун таксига берадиган пулга 2 ой ўртача яшаш мумкин.

ОЙПАРАСТЛИК КАСАЛИ...

... Аввало, Ўзи асрасин. Бу касаллик врачларнинг айтишига қараганда, сарлавҳадагидек номланар экан. Унинг асосий белгиси бемор кечаси уйқусида юриб чиқади. Баъзан кундалик ҳаётидаги ишларни ўзи билмаган ҳолда бажариб қўяди. Ҳатто қурби етмаган юмушларини ҳам ўшандай ҳолатда уддалаб қўйиши мумкин экан.

ТАКСИЧИЛАР ЎЛКАСИ

Аргентинанинг пойтахтини такси шаҳри деб номласа ҳам хато бўлмайди. Бу ерда таксилар сони Нью-Йоркдай шаҳри азимдагидан уч баробар ортиқ. Бугун Буэнос-Айрес шаҳрида 40 мингга яқин таксилар қонуний рўйхатга олинган. Бундан ташқари ноқонуний ҳолатда «қуён» бўлиб юрганлари қанча. Лекин шуниси диққатга сазоворки, шаҳардаги таксичилар мижозга юқори даражада хизмат кўрсатади. Яъни, қайтимини тўлиқ тийин-тийинигача қайтиб беради.

ana shunaqa gaplar

1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси билим юртининг руҳшунослик фани ўқитувчиси Салтанат Каримовага онаси ҚУМРИХОН ая вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти ректорати ва касаба уюшмаси қўмитаси Факультетлараро инглиз тили кафедрасининг мудири Тамила Салимовага турмуш ўртоғи Зафар ЖУМАХЎЖАЕВ вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ko'ngil bitiklari

СЕНГА БЎЛСИН

Оппоқ тонг, қуёшли илиқ кун,
Юлдузли кечалар — сеники.
Бўронли, юлдузсиз қора тун
Розиман бўлсалар меники...
Дайди шамол, дод солаверма,
Юрагимга бош қўйу тинч ёт.
Бебахт севгим, кўз ёши тўкма,
Энди, энди фойдасиз фарёд.
Баҳор, сен ҳам унга мафтун бўл,
Гулғунча оч унинг боғида.
Мен... мен эса энди бир умр
Яшагайман ҳижрон доғида.

ЁЛҒИЗЛИК

Ташлаб кетманг мени ёлғиз,
Ёлғизликдан қўрқади жоним.
Олиб кетинг бўлса-да олис,
Майли йўлда қолса-да таним.
Чидолмайман бу кулба Армон,
Остонада кутар шайтонча.
Кулаверар устимдан ёвуз,
Қон йиғлатиб мени тонггача.
Далда бўлар алдоқчи хаёл,
Кўз ёшларим артади соғинч.
Юрагимни суғириб олар,
Мен сиғинган жонсиз бир илинж.
Қолсам бунда яна бир кеча,
Мангуликка кетгум боқиб тик.
Қайтиб келиб очсангиз эшик,
Сизни кутиб олар ЖИМЖИТЛИК.

Фотима ИСЛОМ қизи

Bilasizmi?

ДУНЁ БЎЙИЧА...

500 миллиондан ортиқ автомобиль ҳар куни 100 минг тоннадан зиёдроқ 200 дан ортиқ турли зарарли бирикмаларни табиатга «ҳадя» қилади.

* * *

Ҳар йили ёниш жараёнларига қўшимча 10 миллиард тоннадан кўп кислород сарфланади. Табиатни кислород билан таъминлаб турувчи яшил дунё учун бу кўрсаткич ҳалокат томон қўйилган қадамдир.

* * *

Бир гектар ерни суғориш учун ўртача 8-12 минг куб метр сув сарфланади. Сув сифат жиҳатидан тугайдиган табиий бойликлардан ҳисобланади.

* * *

Сувларнинг ифлосланиши натижасида йилига 500 миллион одам оғир хасталикларга чалинади. Бу кўрсаткич Ер юзи аҳолисининг ҳар 12 тасига 1 тадан тўғри келади.

* * *

Ҳар куни эрозия натижасида 3500 гектар унумдор тупроқли ерлар ишдан чиқади. Бу ерларни тиклаш жараёнлари сусайиб кетса, инсон табиат оладиган қасдга дош беролмайди.

Ф. КАРИМОВ тайёрлади

Tabib tavsiyasi

ВИТАМИН — ҲАЁТБАХШ НЕЪМАТ

Маълумотларга кўра, одамлар жуда қадим замонлардан бошлаб, ўз овқатларида турли хил ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларидан кенг фойдаланиб келганлар. Улар витамин тўғрисида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмасалар ҳам саломатликларини шу тариқа сақлаб, ҳатто улардан ўринли фойдаланиш йўлини билганлар. Шу билан бирга, улар нотўғри овқатланиш натижасида содир буладиган айрим касалликлар тўғрисида ҳам маълумотларга эга бўлганлар.

Чиндаман саломатлик учун зарур бўлган кўпчилик витаминларни биз асосан кундалик истеъмол қилаётган овқат маҳсулотлари орқали қабул қиламиз.

Одатда киши учун жуда оз миқдорда витамин керак бўлади. Бироқ уларнинг киши организмида бўлмаслиги ёки камайиши турли хил хасталикларга сабаб бўлади. Истеъмол қилинадиган овқат таркибида витаминлар бўлмаганида авитаминоз, кам миқдорда бўлганида эса гиповитаминоз касалликлари кўпаяди. Олимларимизнинг таъкидлашича, одам организмининг турли хил юқумли касалликларга мойил бўлиб қолишининг олдини олишда, иссиқ ёки совуққа чидамлилигини оширишда, киши қувватини, иш қобилиятини тиклашда ҳамда тез қаришнинг олдини олишда витаминларнинг роли беқиёсдир.

Организмнинг витаминларга бўлган эҳтиёжи ортишига олиб келадиган омиллар, масалан, ақлий ва жисмоний толиқиш, руҳий изтироб, ҳаво ҳароратининг паст ёки юқори бўлиши, кислород танқислиги, ҳомиладорлик, бола эмизиш ва боланинг ўсиш даврида ҳамда кексайганда витамин етишмовчилиги кузатилади. Узбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида, организмда сарф буладиган витаминларнинг миқдори бошқа иқлим шароитига нисбатан ўзгача бўлиши олимларимиз томонидан исбот қилинган. Маълумотларга кўра, иссиқ иқлим таъсирида одам ортиқча терлайди, тер орқали минерал тузлар билан бир қаторда сувда эрувчи витаминлар ҳам кўплаб ажралади. Бундай шароитда овқатни рационал ташкил қилишда оқсил, ёғ ва углеводларнинг етарли бўлишидан ташқари, турли витаминларга бой сабзавотларга, полиз экинлари ва мевалардан кўп истеъмол қилиш тавсия этилади. Аксинча аъзоларимизда витаминлар етишмаса, моддалар алмашинуви издан чиқади, ҳужайраларимиз фаолияти бузилади, тезда чарчайдиган, ишёқмас, кам қувват, тез касалга чалинадиган, нимжон бўлиб қоламиз, бардамлигимиз йўқолади. Витаминлар эса бизга дармон беради.

Витаминлар етишмовчилигининг олдини олиш муаммоси умумдавлат миқёсида ҳал қилинмоқда. Масалан, витаминлар билан озиқ-овқатларни витаминлаштиришда ҳамда чорвачилик ва паррандачиликда емларни витаминлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Олимларимиз сабзавот ва мевалар таркибида 30 хилдан ортиқ витаминлар мавжудлигини аниқлаганлар. Бу неъматларнинг бизга кунда керак бўладиган асосийлари А, В1, В2, В6, В12, С, Д, Е, К, Р, РР ва бошқалардир. Витаминлар сувда ва ёғда эрийдиган ҳамда витаминсимон бирикмаларга ажратилади. Юқорида айтилган сабабларга кўра, қишнинг охири ва эрта баҳорда овқат таркибида витаминларнинг етишмаслиги оқибатида аҳоли ўртасида дармонсизланиш, тинка қуриш, тез чарчаш, милк қонаш, тез-тез шамоллаш ҳоллари учраб туради. Олим ва шифокорларнинг кузатишларича, организмда витамин танқислиги баъзи ҳолларда инфекцион касалликлар пайтида антибиотик, сульфаниламидларни қўллаш, ичак микрофлорасини ўзгартирадиган бошқа дориларни кўп ичиш туфайли пайдо бўлади. Бунинг оқибатида организмда овқат таркибидаги витаминлар сўрилиши қийинлашади. Меъда-ичак йўли хасталанганда ҳам шу ҳол юз беради.

Организмда А витамини етишмаса, киши тезда шамоллайди, шабкўрлик касалига чалинади ва ҳ.к. Аъзоларимизда А витамининга айланадиган каротин моддаси кўк пиёз, кашнич, укроп, яшил нўхат, сабзи, помидор, ўрик, шафтоли, гўшт, балиқ, сут, тухумларда айниқса кўпдир. Организмда В1 витамини етишмаса одамда иштаҳа йўқолади, ич қотади, юрак тез уради, асабийлашади, вазн камаяди, фалажланиши мумкин. Бундай витамин ғалла экинларининг донида, нонда, сабзавотларда, меваларда, гўшт, жигар, буйракда кўп бўлади. Организмда В2 витамини етишмаслиги одамнинг толиқиши, кўзларнинг ёшланиши, хиралашиши, неврастения, сочнинг тўкилишига сабаб бўлади.

Организмда В6 витамини етишмаслиги ҳайвон ва одамларда титраш-тутқаноқ касаллиги кузатилади. Ҳомиладорлик, эмизиклик ва бола ўсиш даврида бу витаминга эҳтиёж кўпаяди, минерал-оқсил алмашинуви ва асаб тизими бузилади. Бу витамин сабзавот ва меваларда, асосан хамиртуришда, гўштда, балиқда, молнинг жигарида ва сутда кўп бўлади. Организмда В12 витамини етишмаслиги камқонликка, асаб тизимининг бузилишига, қўл ва оёқлар увишишига олиб келади. Бу витамин жигар, буйрак, мол ва қўй гўштларида, балиқда ва сигир сутида кўп бўлади ва помидор, лавлаги, редиска, кўк пиёзда ҳам В12 мавжуддир. Организмда С витамини етишмаса одам юқумли касалликларга бебардош бўлиб, тез чарчайдиган, ланж бўлиб, уйқу босади, ақлий ва жисмоний иш қобилияти пасайиб, меъда-ичак фаолияти бузилади, милклар яллиғланиб, тишлар тўкилиб (цинга) кетадиган бўлади. С витаминининг асосий манбаи усимлик маҳсулотидир. У, айниқса, наъматак мевасида, қора смородинада, петрушка баргида, қизил қалампирда, ерқалампирда, кўк пиёзда, қулупнайда, исмалоқ, апельсин, лимон, помидор, олма, карам ва картошкада кўп бўлади. Бу витамин сигир сутига қараганда қимизда 20 марта кўп бўлади.

Д витамини қуёш нури таъсирида терида пайдо бўлади ва унинг организмида етишмаслиги болаларда тишлар яхши ривожланмаслигига, рахит касаллигига сабаб бўлади. Ҳомиладор ва эмизикли аёллар балиқ мойи, сариёғ, тухум, сут билан бирга сабзавот ва мевалар истеъмол қилиб туришлари керак. Организмда Е витамини етишмаса иш қобилияти пасайиб, жинсий фаолият бузилади. Бу витамин ёнғоқ меваларида, нўхатда, ўсимлик мойларида, соя дуккакларида, сабзавот ва меваларда кўпроқдир. Организмда К витамини етишмаганда турли органлар (бурун, милк, меъда-ичак ва б.)дан қон кетиши кузатилади. Бу витамин турп баргларида, жаҳжаҳ, исмалоқ, карам, қичитқи ўтида кўп бўлади. Ҳайвон маҳсулотларида (жигардан ташқари) К витамини деярли бўлмайди. Организмда Р витамини етишмаганда қон томирлар мўртлашиб, ёрилиб кетиши ҳам мумкин. Бу витамин организмда витамин Снинг яхши ўзлаштирилишига ёрдам беради. Бу неъмат кўк чойда, лимонда, хурмода, қора қандда, узумда, олхўрида, ноқ, олмада, исмалоқда, қалампирда кўпдир.

Организмда РР витамин етишмаса тез чарчаш, хотиранинг сусайиши, иштаҳа бўлмаслиги, кўнгил айниши кузатилади ва меъда-ичак йўллари, асаб тизими фаолиятлари бузилади. Бу витамин асосан жигарда, буйракда, гўштда, сутда, нухатда, буғдойда, мошда, ловияда қўзиқоринда, хамиртуриш, гречихада бўлади. Олимларнинг таъкидлашича, меъда-ичак йўли бир меъёрда ишлаб, организм яхши ҳолатда бўлса, витаминлардан қўшимча равишда фойдаланмаса ҳам бўлар экан. Витаминлар ферментларнинг фаоллаштирувчи қисми сифатида улар таркибига киради. Шу боисдан турли касалликларда моддалар алмашинуви ва организмнинг умумий ҳимоя хусусиятларини ошириш зарур бўлиб қолганда витаминлар қўшимча омил сифатида истеъмол қилинади.

Шу ўринда бу витаминларни қандай истеъмол этиш керак, деган савол туғилиши табиий. Бу борада шу соҳа мутахассислари, шифокор ва табибларнинг маслаҳат ва тавсияларига риоя этиш зарур. Масалан, ёғда эрийдиган — А, Д ва К витаминлари кучли биологик актив модда ҳисобланади. Уларни ортиқча истеъмол қилиш, организмда заҳарланиш аломатларини пайдо этиши мумкин (кўнгил айниш, қусиш, бош оғриш, иштаҳа йўқолиш, терининг қичиши ёки қуриб қолиши ва ҳаказо).

Озиқ-овқат маҳсулотлари узоқ сақланганда, қуритилганда ва қайнатилганда (пиширилганда) улардаги турли витаминларнинг бир қисми йўқолади, камаяди (С витамини кўпроқ нобуд бўлади). Шунинг учун сабзавотларни пиширишда сода қўшмаслик керак, у витаминни нобуд этади. Унинг ўрнига уксус, лимон кислотасини ишлатган маъқул. Яна бир маслаҳат — сабзавотларни пиширишда ёғоч қошиқдан фойдаланинг, у витаминларни сақлаб қолишга ёрдам беради.

Бир пиёла кўк чой организмимизнинг бир суткалик Р витаминига бўлган талабини қондириб, ундаги сув-туз алмашинувига яхши таъсир қилади.

Болалар ва ўсмирлар кундалик овқат рационига Д витаминли маҳсулотлар киритилиши керак.

Сабзи ва лавлаги табиий витаминлар хазинаси бўлиб, уларда гипертония, жигар, буйрак, кўз ва бошқа касалликларга жуда фойдали В1, В2, Р.С, РР, Е, К витаминлари ва каротин мавжуддир.

Консервалаштирилган кўк нўхат энг яхши витаминлар манбаи ҳисобланиб, унда С, В1, В2, РР витаминлари ва каротин бордир. Янги сабзавот ва меваларни салқин, қоронғи, ҳарорати 0+4 градус, оптимал ҳаво намлиги 85—90 фоиз бўлган, шамол эсиб турадиган хонада сақлаш керак.

Совуқ урган сабзавот, полиз экинлари ва меваларни илиқ ҳавода эритмай, витаминларни сақлаш учун бирданига қайнаб турган сувга солиб таомлар тайёрлаш керак.

Сабзавот, ошқўк, меваларни кесиб тайёрлаш ва уларни пиширишда ҳамда консервалашда фақат зангламайдиган идиш-товоқ ва асбоб-ускуналарни қўллаш тавсия этилади.

Сапар МУҲАММАДИЕВ, доцент

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Абдураҳмон ЖЎРАЕВ,
Алишер НАЗАРОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-01064. Тиражи 59313. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6